

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 31 октябрь, Чоршанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 210 (11.019)

Баҳоси эркин нарҳда

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

Тошкентда Марказий Осиё минтақасида экологик хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга бағишланган халқаро конференция бошланди. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг иқтисодий ва атроф-муҳитга оид фаолиятни мувофиқлаштирувчи бўлими томонидан ташкил этилган анжуманда 20 га яқин давлатдан олимлар, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этмоқда.

«Экосан» халқаро ташкилотидида «Экология ва саломатлик кунлари»нинг иккинчи босқич яқунлари ва Конституция кунига бағишланган фаоллар йиғилиши ўтказилди. Унда учинчи босқичнинг мақсади ва вазифалари белгилаб олинди. Дастур доирасида 3 ноябрь куни умумреспублика экологик ҳашарини ўтказиш режалаштирилган.

Самарқандда «Техмакмато» номли янги корхона ўз фаолиятини бошлади. Жанубий Корея ишбилармонлари билан ҳамкорликда ташкил этилган, матоларни буюш, жило бериш билан шугулланувчи ушбу корхона 400 нафар йигит-қизни ўз бағрига олди.

Ўрта Чирчиқ туманида «Седма-450» андозасидаги янги коммуникация маркази ишга туширилди. У «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг телекоммуникация тармоқларини реконструкция қилиш ва модернизациялаш инвестиция лойиҳаси асосида амалга оширилди.

Мамлакатимизда «Қандим — Хаузак — Шоди—Кўнғирот» мегалойиҳасини муваффақиятли амалга ошираётган «Лукойл Оверсиз» компанияси хайрия ва ҳомийлик ишларига ҳам катта эътибор бермоқда. Хусусан, кун кеча Бухородаги 123-маҳсул интернатда «Лукойл»нинг умумий қиймати 45 минг доллар бўлган хайрия ёрдамини топшириш тadbiri бўлиб ўтди.

Қизилтепа туманидаги ун заводида амалга оширилган реконструкция ҳамда илгор хориж технологияларини татбиқ этиш жараёни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишда бош омил бўлди. Ҳозирда корхонада йилга 20 минг тоннадан ортиқ буғдойни қайта ишлаш имконияти пайдо бўлди. Қисқа муддат ичида 200 тонна ун тайёрланди.

Буюк олим Абу Али ибн Сино туғилиб, вояга етган Пешку туманидаги Афсона қишлоғида жойлашган музейга Франциянинг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва Мухтор элчиси Жан Бернар Харт бошчилигидаги франциялик меҳмонлар ташриф буюришти. Улар музейга «Тиб қонунлари» китобининг Жерар Кримон томонидан лотин тилига қилинган таржимасидан бир нечта нусхасини, шунингдек, 1447-1448 йилларда Абу Али ибн Синога бағишланган қўл ёзма кўчмаларнинг нусхаларини топширдилар.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Кисса сатрларда

• **ТОШКЕНТ** Ахборот технологиялари университетида Юнусобод туман ҳокимлиги ташаббуси билан туман фаоллари иштирокатида ўтказилган тадбир қишқи масвумга тайёрларлик ҳамда коммунал соҳада юз бериши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларига бағишланди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан шифокорлар иштирокида ўтказилган тадбирда жорий йилнинг 12 ноябрдан 25 ноябрга қадар куз ва қиш ойларида тарқалиши мумкин бўлган юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида болаларни эмлаш тадбирининг амалга оширилиши таъкидлаб ўтилди.

• **АСБОВСОЗ** корхонаси Самарқандда япониялик мутахассислар ҳамкорлигида ишлаб чиқарилаётган «SUZU» микроавтобуслари учун ахтиёт қисмлар тайёрлашни йўлга қўйди.

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадий хаваскорлик жамоалари, ўқув курслари раҳбарлари иштирокида ўтказилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Аждодларимиз мероси — қадрларимиз асоси» деб номланди.

• **РЕСПУБЛИКА** Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан педагоглар иштирокида ўтказилган тадбирда бола тарбиясининг шаклланишида замонавий педагогик таълим ва технологияларнинг аҳамияти борасида сўз бошди.

• **БУНЁДКОР** ёшлар телеклубида уюштирилган «Ислом маданияти ривожиди Тошкентнинг тутган ўрни» мавзусидаги анжуманда фаол ёшлар иштирок этишди.

• **ТОШКЕНТ** трактор заводи очик турдаги акциядорлик жамиятида жамият аъзолари иштирокида ўтказилган йиғилишда жорий йилнинг шу кунига қадар амалга оширилган ишлар ҳамда келгуси режалар муҳокама қилинди.

• **ИЖТИМОЙ** ҳимоя йили муносабати билан **КЕЧА** Республикаси мусиқачилар мактабига Самарқандда ишлаб чиқарилаётган «SUZU» микроавтобуслари туҳфа этилди.

• **МАҚАДО** кикбоксинг бўйича халқаро турнирда қатнашиб 1 та олтин, 1 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Тошкентга қайтиб келишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИ ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИБ, УНИ НАФАҚАТ ИЧКИ БОЗОРИМИЗГА, БАЛКИ ХОРИЖГА ҲАМ ЭКСПОРТ ҚИЛИШНИ ЎЗ ОЛДИГА МАҚСАД ҚИЛИБ, ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН КОРХОНАЛАР САФИ ЙИЛДАН ЙИЛГА ОРТИБ БОРМОҚДА.

Иқтисодиёт МАҲСУЛОТ ТУРЛАРИ ОШМОҚДА

Пойтахтимизда ўтган йилдан фаолиятини бошлаганига қарамай, «POMUK TEKSTIL» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонасида ишчи-хизматчиларнинг касб-маҳорати туфайли ҳозирда 100 турдан ортиқ моделдаги эркак ҳамда аёллар либослари тайёрланмоқда. Бунда мазкур корхона цехларида ўрнатилган замонавий дастгоҳ ва ускуналар жамоага ҳақиқий мададкор бўлмоқда.

Эътиборли томони, маҳсулотлари сифатини таъминлашда Япония, Германиянинг юксак унумли дастгоҳ ва тикув машиналари қуввати ҳамда уларни моҳирона бошқариётган кўли гул бичиқчи, тикувчиларнинг меҳнати алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирда 160 нафардан зиёд ишчи-хизматчилардан иборат жамоа ахли маҳсулотларининг 95 фоизини хорижга: Голландия, Россия ҳамда Европа давлатларига экспорт қилмоқда. Қувонарлики, доимий изланишда бўлган корхона тадбиркорлари нафақат ички бозоримизни, балки хорижий буюртмачиларнинг талаб-истакларини ҳам чуқур



риб ўрнатиш ҳисобига янги цехларда 200 нафар фуқароларимизга иш ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда.
МУҲАББАТ ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТДА: ёш, изланувчан, кўли гул тикувчи Ўғилрой Қизилова меҳнат жараёнида.
Козим Ўлмасов олган сурат

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида КОНВЕНЦИЯ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР, НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ҚЎМИТАСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДА БОЛА ҲУҚУКЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ КОНВЕНЦИЯНИНГ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур қўмита раиси А.Саидов бошқарган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маънафатдор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқарма ва ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Йиғилишда номи зикр этилган Конвенциянинг ижросига оид ишларнинг барчаси давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва изчил жорий этилаётган Қадрлар тайёр-

лаш Миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»-ги қонун ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълими-ни ривожлантириш Давлат умум-миллий дастури асосида амалга оширилаётганлиги ўзининг ижобий самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Ҳозир мамлакатимизда салкам 10 мингга яқин мактаб фаолият юритмоқда. Ушбу умумтаълим муассасаларида 450 мингдан зиёд педагог 5,5 миллион нафарга яқин болага таълим-тарбия бермоқда.

Вазирлик тизимида болаларга таълим бериш сифатини янада юксак поғонага кўтариш, уларнинг таълими олиш борасидаги ҳуқуқини тўла таъминлаш, соғлом авлодни камол топтириш учун қулай шарт-шароит яратилган. Хар бир боланинг таълим-дан баҳраманд бўлиши таъминланмоқда. Болалар таълими олиши ва касб-хунар ўрганиши учун кенг имконият яратилган.

Давлат таълими андозалари, ўқув методик база, янги дарслик-

ЎЗАРО ФЙДАЛИ УЧРАШУВ

МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ШУ ЙИЛ 12 ФЕВРАЛДА БЎЛИБ ЎТГАН МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ДОИРАСИДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТУРЛИ ЖАБҲАЛАРИ, ЖУМЛАДАН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИГА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛЕ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ТРАНСМИЛЛИЙ КОРПОРАЦИЯЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ БОРАСИДА ИЗЧИЛ ИШ ОЛИБ БОРИЛМОҚДА.

29 октябрь куни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори А.Орипов «Корея Телеком» корпорацияси президенти Нам Жунг-Су билан учрашди.

Учрашув чоғида томонлар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги янги йўналишлар бўйича икки томонлама ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама этидилар.

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳити, кенг қўламли ҳуқуқий қарорлар ва имтиёзлар тизими яратилгани туфайли «Корея Телеком» ва «Сумитомо Корпорэйшн» (Япония) трансмилий корпорациялари биргаликда «East Telekom» қўшма корхонаси акцияларининг 85 фоизини сотиб олмақда. Корхонанинг 15 фоиз акциялари «Ўзбектелеком» акционерлик компаниясига тегишлидир.

«East Telekom» қўшма корхонаси Ўзбекистонда келгуси авлод тармоқлари (NGN) технологиялари ва ечимлари бўйича хизмат кўрсатадиган биринчи алоқа оператори ҳисобланади. Қўшма корхона фаолиятининг асосий йўналишлари замонавий телекоммуникация хизматлари, шу жумладан рақамли телефония, интеллектуал алоқа тармоғи хизматлари кўрсатиш, шунингдек, маълумотлар узатиш, рақамли алоқа каналларини ижарага бериш, виртуал хусусий тармоқлар ва Ин-

тернетдан тезкор фойдаланишни ташкил этишдан иборат.

1982 йилда тузилган ва йиллик маблағ айланмаси 12 миллиард АҚШ долларини ташкил этадиган «Корея Телеком» корпорацияси буғунги кунда Осиёдаги энг йирик алоқа операторларидан биридир. Жанубий Кореяда маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро алоқа, шунингдек, маълумотлар узатиш хизматларини тақдим этадиган энг йирик ҳамда технологик жиҳатдан яхши таъминланган телекоммуникация тармоғи ҳам ушбу корпорацияга қарашлидир.

«Сумитомо Корпорэйшн» корпорацияси эса Япониянинг энг қадимий савдо-саноат тузилмаларидан бири — у 1919 йилда ташкил этилган. Корпорация иқтисодиётнинг қўлғина тармоқларида, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам фаолият юритади. «Сумитомо Корпорэйшн»нинг йиллик маблағ айланмаси 22 миллиард АҚШ долларидан зиёддир.

Шунингдек, учрашувда томонлар «East Telekom» тармоғини катта имкониятларга эга симсиз WiMAX технологияси базасида янада ривожлантириш масалаларини ҳам муҳокама этидилар.

Бугун Ўзбекистонда телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида «Мобил ТелеТизимлар», «Випелком», «Голден Телеком», «Huawei Technologies», «Telia Sonera» каби трансмилий компаниялар фаолият кўрсатмоқда.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ, МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ ВА ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ ИШТИРОКИДА ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШНИНГ ЙИГИЛИШИ БЎЛДИ.

лик масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда диний экстремистик, ақидапарастлик материалларини тайёрлаш, тарқатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларига алоҳида тўхталиниб, уларнинг олдини олишга қаратилган кескин чора-тадбирлар кўриш, бу борада идоравий ва прокурорлик назоратини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлаш ҳамда айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлигининг муқаррарлигини таъминлаш мақсадида тергов-тезкор ҳаракатларининг самарадорлигини ошириш, терговни асосиз тўхтатиш ҳолларига чек қўйиш, қидирувдаги шахсларни ушлашда қонунда белгиланган ваколатлардан самарали фойдаланишга қаратилган тадбирларни янада кучайтириш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Баш прокуратура матбуот хизматидан маълум қилинишича, йиғилишда одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишга қара-

тилган профилактик фаолият жараёнида йўл қўйилаётган камчиликларга алоҳида эътибор қаратилган. Жойларда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва ҳуқуқ-тартибот идораларининг бу борадаги ҳамкорлиги тўғри йўлга қўйилмаганлиги қаттиқ танқид остига олинди, муассасиди идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришнинг кескин чораларини кўриш

Мажлисида бу борадаги мавжуд айрим камчилик ва муаммоларга эътибор қаратилиб, уларни ҳал этиш йўллари юзасидан тавсиялар берилди.

(ЎЗА)

ЖАҲОНДА

• Саудия Арабистони подшоҳи Абдуллоҳ сўнги 20 йил ичида илк бор Буюк Британияга ташриф буюрапти. Подшоҳнинг уч кунлик давлат ташрифи доирасида икки томонлама муносабатларни янада яқинлаштиришга доир масалаларни кўриб чиқиш режалаштирилган.

• Шимолий Америка қитъасида жойлашган Доминикан республикасига хуруж қилган қучли «Ноэль» тропик довули натижасида 20 киши ҳаётдан кўз юмди, 30 киши эса бедарак йўқолди. Бутун мамлакат, жумладан, Доминикан пойтахти Санта-Доминго шаҳрида фавкуллода ҳолат эълон қилинди.

• Берлин полицияси Германия пойтахтида курд гуруҳлари ҳамда турк муҳожирали ўрта-сидида келиб чиққан, 18 нафар полициячининг жароҳатланишига сабаб бўлган жанжалда гумон қиланаётган 15 кишини ҳибсга олди.

• Хитойда 2008 йилда Пекинда бўлиб ўтadиган ёзги Олимпиада ўйинларига маҳаллий аҳоли учун 2 миллионга чиптани сотиш ишлари бошланди. Бир куннинг ўзидаёқ Интернет портали орқали 8 миллион чиптага талаб тушган.

• Украина Польшага электр қуввати етказиб беришни тўхтатди.

• Москва шаҳри судида «Битцевск маньяги» номини олган Александр Пичушкин устидан ҳукм чиқарилди. 48 та қотиллик ва 3 та қотилликка уринишда айбланаётган Пичушкин умрбоқ қамоқ жазосига ҳукм қилинди.

• Индонезия Президенти Суило Бамбанг Юдхойоно ўзининг илк мусиқа альбомини чиқарди. «Менинг орзум сизга бахшида» деб номланган ушбу альбомдан 10 та қўшиқ жой олган бўлиб, қўшиқлар матнини ҳам Юдхойононинг ўзи ёзган.

• Парижда илк бор Хитой тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим-кечакларининг кўрғазмаси бўлиб ўтди. Унда Чженцзян, Цзяньсу музофотлари ва Пекин ҳамда Шанхай шаҳридаги юзга яқин корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этидилар.

• Япониянинг Hitachi компанияси тез орада дунёдаги энг ихчам телевизорлар ишлаб чиқара бошлайди. Жорий йилнинг декабрь ойида сотувга чиқариладиган телевизорнинг қалинлиги бор-йўғи 3,5 сантиметрни ташкил этади. Экран ҳажми 42 ва 37 дюйм V-42 ва V-37 номли телевизорлар тасвирни юқори аниқликда кўриш имконини беради.

• Халқаро футбол федерацияси — ФИФАнинг Цюрих шаҳрида ўтказилган ижроия қўмитаси йиғилишида 2014 йилдаги футбол бўйича жаҳон чемпионатини Бразилияда ўтказиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. Таъкидлаш жоизки, ушбу мамлакатда жаҳон чемпионати 1950 йилда ҳам ўтказилган.

Бехзод НОРБОВ, ЎЗА мухбири

Сайловда давлатимизнинг 18 ёшга тулган ва сайлаш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролари ҳеч қандай монетарликсиз қатнашишлари ва ўзларига маъқул бўлган номзодга эркин овоз беришлари мумкин бўлади. Шу нарса диққатга сазоворки, бу сайловда ҳар бир сайловчи дуч келган номзодга эмас, балки дастури, гоёлари ёққан, мамлакат тақдирини, келажак тақдирини, авлодлар тақдирини ишониб топшириш мумкин деб ҳисоблаган номзодни танлаб овоз берадилар. Бизда ушбу сайловнинг ҳам худди парламент ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайловлар сингари одилона ва демократик асосларда ўтишини таъминлайдиган қонунларимиз мавжуд. Давлатимиз раҳбарини сайлашда аввало Асосий қонунимиз – Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланамиз. Шу билан бирга "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунлар фуқароларимизнинг ушбу сайловда иштирок этиш ҳуқуқларини тартибга солуви қонунлардир.

Сайлов ҳуқуқи бутун дунёда умумэтироф этилган энг муҳим ва конституциявий сиёсий ҳуқуқлардан бири ҳисобланади. Фуқаролар томонидан уларнинг сайлов ҳуқуқларининг ҳеч тўсиқсиз амалга оширилиши уларнинг давлат бошқарувида иштирокининг энг муҳим шакллариандир. Фуқароларнинг бевосита сайлов жараёнида, ўзлари эркин сайлайдиган вакиллари орқали мамлакатни бошқаришда қатнашиш ҳуқуқининг амалга оширилиши учун яратилган имкониятга қараб, у ёки бу давлат қай даражада демократик тамойиллар асосида яшаётганлигига баҳо бериш мумкин. Демократиянинг ушбу энг муҳим тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз қонуний мафсааларини рўйбга чиқариш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, ҳуқуқий асос юртимизда тўла-тўки яратилган.

Ўзбекистон Конституциясида ва юқорида эслаб ўтилган қонунларда сайловларга доир умумэтироф этилган демократик халқаро тамойил ва қонунлар мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон фуқароларининг сайлов ҳуқуқи аввало Конституцияимизнинг 32-моддасида алоҳида мустаҳкамланган. Бунга қўра, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жаҳият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади".

Конституциянинг сайлов ҳуқуқига тегишли яна бир – 60-моддасида эътиборга лойиқ. Унда «Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар» деб қайд этилган. Зеро, ҳозирги вақтда мамлакатимизда мавжуд 5 та сиёсий партиянинг бўлажак Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштироки кутилмоқда. Ўзбекистон фуқаролари айнан сиёсий партиялар ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳлари (яъни бевосита фуқаролар) томонидан илгари суриладиган номзодлар орасидан Ўзбекистон

Республикаси Президентлигига ўзлари хоҳлаган муносиб номзодни танлаш ва унга овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ўзбекистон Конституцияси ва сайловлар ҳақидаги қонунларнинг муҳим хусусиятларидан бири – бу уларнинг умумэтироф этилган халқаро андозаларга мослигидир.

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқининг асосий принциплари, аввало, Конституцияда ва, сунгра, унга мувофиқ тарзда сайловлар ҳақидаги қонунларда аниқ ўрнатиб қўйилган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

- 1 умумий сайлов ҳуқуқи;
1 тенг сайлов ҳуқуқи;
1 тўғридан-тўғри (бевосита) сайлаш ҳуқуқи;
1 яширин овоз бериш ҳуқуқи.
Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқининг ушбу

публикасининг 18 ёшга тулган фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашиш ҳуқуқига эга. Ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ аҳолига, ирқий ёки миллий мансублигига, жинси, маъшулот, тили, динга муносабатига, машғулоти тури ва хусусиятига қараб Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайлов ҳуқуқини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, суднинг ҳукмига мувофиқ озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида қатнашмайдилар.

Умумий сайлов ҳуқуқи "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 10-моддасига биноан,

ҳуқуқига эгадирлар.

Тенг сайлов ҳуқуқи – 18 ёшга тулган барча фуқароларнинг сайловда тенг шартларда қатнашишларини аниқлатади.

Сайлов ҳуқуқининг тенглиги принципи ҳар бир сайловчи фақатгина битта сайловчилар рўйхатига киритилиши, фақат битта овозга эга бўлиб, сайловда тенг асосларда қатнашиши мумкинлигида ўз ифодасини топган.

Ҳар бир фуқаронинг сайловчилар рўйхатига киритилмаганлиги ёки ундан чиқариб юборилганлиги устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Тенглик принципи номзодларга қонунда белгиланган тарзда тенг миқдорда ишончи вакиллarga эга бўлиш, сайловда тарғиботини ўтказишда ўз сайловчилари билан уқрашувлар ўтказиш ҳуқуқининг тенг кафолатлари ва имкониятларини бериш йўли билан ҳам таъминланади.

Ўзбекистон Республикасида сайловлар умумий ва тенг бўлибгина қолмай, шу билан бирга тўғридан-тўғри ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳам тўғридан-тўғри фуқаролар томонидан сайланади.

Бу қоида овоз бериши фуқаролар бевосита ўзлари амалга оширишларини аниқлатади.

Ўзбекистонда сайловлар яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича овоз бериш яширин бўлиб, фуқаролар томонидан бевосита амалга оширилади. Фуқароларнинг хоҳиш-ирода билдиришлари устидан назорат этилишига йўл қўйилмайди.

Зеро, бундай овоз беришда фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш имкониятига эга бўладилар.

Ҳар бир сайловчи сайлов бюллетенини шахсан ўзи олади, махсус жиҳозланган кабинетда ёки яширин овоз бериш хонасида уни ўзи тўлдирди ҳамда сайлов кутубхонасида ўзи ташлайди. Хоҳиш-ирода билдиришининг яширинлиги олдиндан овоз бериш ўтказилганда ҳам, сайлов участкасига келиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар овоз беришини ташкил этишда ҳам таъминланади. Овоз бериш бошланишидан олдин участка сайлов комиссияси раиси комиссиянинг барча аъзолари ҳозирлигида сайлов кутубхонасини текшириб кўриши, пломбалаши ёки муҳрлаши орқали ҳам овоз беришининг яширинлиги таъминланади. Сайлов кутубхонасини очилган олдин фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилиб, бекор қилинади. Овозларни санаб чиқишда номзодларнинг ишончи вакиллари, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари вакиллари, миллий ва хорижий кузатувчилар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлиши мумкин.

Мухтасаб қилиб айтганда, сайловга оид қонунларимиз юқоридagi умумэтироф этилган адолатли ва демократик тамойилларга асосланади.

Маҳмуд НАЖИМОВ,
Юридик фанлари номзоди, доцент
Козим ҲОЗИЕВ,
Тошкент Давлат юридик
институтини талабаси

23 декабрь
— Ўзбекистон Республикаси
Президенти сайлови куни
САЙЛОВ — ДЕМОКРАТИЯ
КЎЗГУСИ
МАЪЛУМКИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ ТОМОНИДАН ШУ ЙИЛНИНГ 21 СЕНТЯБРИДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ БЎЙИЧА САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНГАНЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ. БУНГА ҚЎРА, 2007 ЙИЛ 23 ДЕКАБРЬ КУНИ ЮРТИМИЗ ТАРИХИДА УЛКАН ВА УНУТИЛМАС ВОҚЕА ЮЗ БERAДИ, ХАЛҚИМИЗНИНГ ХОҲИШ-ИСТАГИНИ РЎЙБГА ЧИҚАРИШ ЙЎЛИДА ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ ҚЎЙИЛАДИ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЛАВОЗИМИГА МУҚОБИЛЛИК АСОСИДА НАВБАТДАГИ САЙЛОВ БЎЛИБ ЎТАДИ.

конституциявий принциплари сайловларга оид халқаро андозаларга тўла мос келади. Мазкур халқаро андозалар 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», 1966 йилги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт», 1990 йилги Копенгаген анжумани ҳужжатлари, Парламентлараро иттифок Кенгашининг 1994 йилда қабул қилган Эркин ва адолатли сайловлар мезонлари тўғрисидаги Декларацияси ва бошқа ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 1-моддасида мазкур сайловни ўтказишнинг асосий принциплари қуйидагича белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловга камидан ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти етти йил муддатга сайланади.

Мазкур қонун умумий сайлов ҳуқуқи тушунчасини аниқлаштирилади ва мустаҳкамлайди. Унда айтилганидек, Ўзбекистон Рес-

публикасининг ҳорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида сайлов участкаларини ташкил этиш йўли билан ҳам таъминланади.

Сайлов дам олиш куни ўтказилади. Сайлов билан боғлиқ харажатлар давлат ҳисобидан бўлиб, бу қоида сайлов тўғрисидаги қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган. Сайлов ўтказиш учун энг яхши жамоат биноси ажратиб берилади. Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга оширишига ҳеч нарса халақит бера олмайди.

Қонунда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузганликда айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши назарда тутилган. Умумий сайлов ҳуқуқининг кенг кафолатланганлиги фуқароларнинг овоз беришда деярли ёппасига иштирок этишларини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунларида тенг сайлов ҳуқуқи принципи мустаҳкамланган. Уларга биноан, ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга. Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқеи, маъшулот, машғулотининг тури ва хусусиятларидан қатъи назар тенг сайлов

МЕҲНАТКАШЛАР ОНГИГА МИЛЛИЙ, УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ СИНГДИРИШ, МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ҲАМНАҲАС

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий гоё тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорини ҳаётга татбиқ этиш борасида касаба уюшмалари томонидан муайян ишлар қилинмоқда.

Халқаро нуфузли ташкилот томонидан тинчлик, дўстлик шахрига, Шарқ дарвозаси дея улуғланиб келинаётган шахри азим Тошкентга Ислоҳ маданияти пойтахти номининг берилишидан ҳар бир юртошимиз фахрланиб, диллар қувонди десак муболаға бўлмас.

Заррада қуёш акс этганидек, Истиқлол шарофати билан улуг аждодларимиз руҳини шод этиш, бой тарихий илмий-маданий меросимизни ўрганиш, эзгуликка хизмат қиладиган маърифат бўстонидан халқимизни, айниқса, ёшларимизни баҳраманд этишга, камол топишига аҳамият бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, бу борада мисли қўрилмаган бунёдкорлик ишлари қисқа вақт ичида амалга оширилганлиги барчага қундай равшан. Таъбир жоиз бўлса, Тошкент шахрига Ислоҳ маданияти пойтахти номининг берилиши мамлакатимизда миллий, диний, умуминсоний қадриятларга эътибор қаратишнинг халқаро миқёсда эътиф этилишидир.

Яқинда Ҳазрати имом тарихий меъморчилик мажмуида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши ҳамда республика Маънавий тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари раҳбарлари, йирик корхона, ташкилот, муассасаларнинг касаба уюшма кўмиталари раислари, касаба уюшма фаоллари иштирокида «Тошкент шахри — Ислоҳ маданияти пойтахти» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Айтиш керакки, Ҳасимон мавзесининг гоё қисқа муддатда тарий очиб, таниб бўлмас даражада ўзгариб, фазл-тароватли зибратгоҳга айланиб, хорижий сайёҳлар билан гавжум бўлиши Истиқлол туфайли улуг зотларга бўлган чукүр эҳтиромнинг ёркин ифодаси, тинчлик, осойишталикнинг шарофатидир. Тадбир иштирокчилари қўли гул усталарнинг меҳр, маҳорат билан барпо этган улугвор 54 метрли миноралар, барча шарт-шароитга эга бўлган маҳобатли, файзли масжиди, айниқса, кўз қорачиғидек асралаётган VII асрнинг ноёб ёдгорлиги — Усмон Куръонини, нодир китоблар кутубхонасини кўришга мушарраф бўлиб, XVI аср меъморчилик ансамбли — «Бароқхон» мадрасасида жойлашган хунармандларнинг ишлаш жараёнлари, заргарона нозик меҳнат маҳсулотлари билан танишдилар ҳамда Ҳазрати



Касаба уюшмалари фаолиятидан
ҚАРОР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

имом номи билан дунёга машҳур улуг аллома бобокалонимизнинг мақбарасини зиёрат қилдилар. Ҳазрати имом мавзесидagi «Истиқлол» маҳалла кўмитаси раисининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулхумор Турсунова тадбир иштирокчиларига ҳамкорлик қилиб, Ҳазрати имом тарихий меъморчилик мажмуининг қисқа муддатда қурилиши тарихи, шунингдек, кўхна миллий меъморчилик анъаналари асосида кўзни қувонтирадиган, ақлни ҳайратга соладиган бу салобатли биноларнинг барпо этилиши муҳтарам Юртбошимизнинг катта аҳамият бериб айтган фикрлари, қимматли маслаҳатлари асосида юзага келганлиги ҳақида атрофлича маълумот берди.

Сунгра Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг шина залда семинар ўқув машғулоты ўтказилди. Тадбирни Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг раиси Н.Насимов қисқача кириш сўзи билан очиб, Миллий гоё тарғиботини кучайтириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш даврининг долзарб талаби эканлигини, шунингдек, она-Ватанга меҳр-муҳаббатни янада юксалтиришда Ҳазрати имом тарихий-меъморчилик мажмуи билан меҳнаткашлар, талабаларни яқиндан таништириш, аллома бобокалонларимизнинг бой маданий меросидан баҳраманд этиш фойдалаи, катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган иш эканлигини таъкидлади. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари, шайх Абдулазиз Мансур кейинги 16 йил мобайнида беҳад улуг ўзгаришлар юзага келганини, Ҳазрати имом мавзесида қисқа муддатда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, бу фазлзи масканни асраб-авайлаш, қадрига етиш кераклигини таъкидлади.



Республика Маънавий тарғиботи маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари, иқтисод фанлари доктори, профессор И. Абдуғаниев маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш борасида қилинаётган тадбирлар ҳақида фикрларини билдирди. Тошкент Ислоҳ университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари Иброҳим Усмонов ёшлар камолотида маънавиятнинг, айниқса миллий, диний қадриятларнинг ўрни ҳақида тўхталиб, ёшларни турли салбий оқимлар таъсиридан сақлашда ота-оналарнинг масъулияти, ўрни муҳимлигини айтиб ўтди.

«Истиқлол» маҳалласи Ҳазрати имом мавзесида жойлашган бўлиб, беш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. «Истиқлол» маҳалла кўмитаси раисининг диний маърифат маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси З. Турсунова аҳоли, айниқса ёшлар орасида олиб борилаётган тарбиявий ишлар, «Бароқхон» мадрасасида жойлашган миллий хунармандчилик устахонасида маҳалладаги 20 нафар қизлар, келинчалар учун қадимий адрас тўқши устахонаси очилганлигини, касаначилик ривожлантирилиб, кўрпа-тўшаклар тикиш ишларини йўлга қўйиш арафасида эканлиги хусусида маълумот берди. Шунингдек, маҳаллада болалар ўртасида, «Сен Ўзбекистонни биласанми?» мавзусида расмлар чизиш танлови каби маърифий тадбирлар ўтказилаётганлигини, ёшлар, иқтидорли болалар тарбиясига эътибор қаратилганлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Ҳазрати имом тарихий меъморчилик мажмуида ўтказилган маърифий тадбир барча иштирокчиларда ёркин таассурот қолдирди.

Улугбек ПЎЛАТОВ
СУРАТЛАРДА: тадбир иштирокчилари

Иқтисодиёт
ЯНГИ ТУРЛАРИ
ЯРАТИЛМОҚДА
БУГУНГИ КУНДА ЮРТИМИЗДА КЎПЛАЙ
ЗАМОНАВИЙ ВА КЎРКАМ БИНОЛАРНИНГ
РОСТЛАШИ, АЛБАТТА, СИФАТЛИ ҚУРИЛИШ
АШЁЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ ҲАМ
ОШИРМОҚДА.

Пойтахтимиздаги «EAST KOLOR» масъулияти чанган жамияти тадбиркорлари ҳам бундан тўғри хулоса қилган ҳолда ишлаб чиқариш суръати ва маҳсулот туарини орттиришга муваффақ бўлишяпти. Корхонада хорий линиялар асосида тайёрланаётган пардозлаш ашари — лок-бүёк маҳсулотлари рақобатбардор бўлган (с ҳам харидорлари сафи ортиб бормоқда. Хаттоки кўчи давлатлардан ҳам буюртмалар тушмоқдаки, шу асосда лок-бүёклар Тожикистон, Қозғоғистон, Туркменистон давлатларида харидорларга етиб бормоқда, яъни экспорда ҳам ортиб борапти.

Корхона ўз фаолиятини 30-40 ишчи-хизматчилар билан бошлаган бўлса, айни пайтда уларнинг сафи 150афадан ошди. Бу, албатта, корхонанинг йилдан йил кенгайиши, янги линияларни ишга тушириш, бозор тинмай ўрганиш асосида рақобатбардор, харидор табиғига мос пардозлаш ашёлари тайёрланаётганлиги хобига амалга оширилмоқда.

— Энг аввало маҳсулотларимиз сифатига алоҳи эътибор қаратамиз, — дейди корхона технологи Людма Хегай. — Бунинг учун корхонамизда «Узстандарт» энгилги аттестациясидан ўтган синов лабораториямиз июляни йўлга қўйилган. Бу ерда келтирилган ҳам ашё тайёрланган маҳсулот сифати қатъий назорат қилинадХаридорларимиз кўпайиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишида лаборатория ходимларининг ҳам муносиб/луши бор.

Жорий йилда корхонада тайёрланаётган 50 лдаги маҳсулотлар яна бир нечтага кўпайди ва қадоклашга эътибор қучайди. ПВА елими, «Хопер» безак қилиш ашёси, сувли акрил бүёги, қурук қурилиш аралашлари сингари янги маҳсулотлар бугунги кунда харидорни топмоқда.

СИФАТГА АСОСИ
ЭЪТИБОР

МАМЛАКАТИМИЗ БОЙЛИГИ САНАЛМИЦ
ПАХТА ХОМ АШЁСИНИ ЎЗИМИЗДА ҚАЙТА
ИШЛАБ, СИФАТЛИ МАХСУЛОТЛАР
ТАЙЁРЛАНАЁТГАНЛИГИ, МУҲИМИ ЭСА АНШУ
ТОВАРЛАРНИНГ ХОРИЖГА ЭКСПОРТ
ҚИЛИНАЁТГАНЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ
РИВОЖИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМСДА.

Ана шундай корхоналардан саналган «POMUK TESTIL» масъулияти чекланган жамиятида замонавий тўқува тикув дастгоҳлари асосида ишлаб чиқарилаётган кийм-кечаклар жаҳон андозалари даражасида тайёрланган. Шу боис ҳам тайёр маҳсулотларнинг 95 фоизи РоссияФедерацияси, Голландия ва Европа давлатларига сотилмоқда.

Хозирда 160 нафар ишчи-хизматчи, асосан маиллий ёшлар меҳнат қилаётган мазкур корхонада маҳсулот турлари 100 хилдан ортиб кетди. Бу шубҳасиз, нафақат ички, балки ташқи бозорни ўрганиш учун маркетинг ишларининг яхши йўлга қўйилганлиги самарасидир. Жори йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида хорижий харидорлари корхонанинг савдо белгиси билан тикилган 1.60000 долларлик кийим-кечаклар етказиб берилди. Ишчи-хизматчиларга яратилган меҳнат ва қулай дам олиш шартлари, ижтимоий ҳимояга қаратилган эътибор иш суръти ва маҳсулот сифатида яққол акс этмоқда.

Яқинда Туркия давлатидан янги технологик лиялар келтиришни режалаш тулган тадбиркорлар яна 200афар аҳолини иш билан таъминлаш ниятида.

Шарофат БАҲРОҚОВА
ЗАМОН БИЛАН
ҲАМНАҲАС

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «САНТЕХНИКА ЖИҲОЗАРИ
ЗАВОДИ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ЖАМОАСИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИ
ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА
ЦЕЛЛАРНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШТИРИШИ
БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ АМАЛГА ОШИРА БОРИБ,
ЯНГИ, СИФАТЛИ ВА РАҚОБАТБАРДОШ
САНТЕХНИКА МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ
ЧИҚАРМОҚДА.

Мазкур жамият тадбиркорларининг самъали саъй-ҳаракатлари, ишчи-хизматчиларнинг касб-аҳорати туфайли жорий йил охирида ишлаб чиқиш ҳамда маҳсулот сотиш 450 миллион сўмни тақил этиши қатъий режалаштирилган.

Эътиборли томони, корхона маҳсулотларига эиёж ва талаб жуда чукүр ўрганилади. Шу боис ҳаёлий охиригача корхона ҳисобидан 200 миллион сўмга 1 миллион АҚШ доллари кредит ҳисобига сифатлихом ашё ва эҳтиёт қисмлар харидига сарфланади.

Ўтган 2006 йилга нисбатан шу давр мобайнида заводда ишлаб чиқариш 135 фоизни ташкил эюқда. Шу боис ҳам ишчи-хизматчиларнинг иш ҳанари ошди, меҳнат шароитлари ҳам сезиларли яхшланди.

БОЛАЛАР
ЛИБОСЛАРИ

ЮРТИМИЗДАГИ ҲАР БИР КОРХОНА, ХУСУИЙ
ТАДБИРКОРЛАР БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ
ЮРИТИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИЛАЁТГАН МАХСУЛОТЛАРИНИНГ
СИФАТИ ҲАМДА ХАРИДОРГИРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШДА ИБОРАТ.

Учтена туманида 2002 йилдан буён фаолият иритаётган «NASIBA-TOHIR» хусусий корхонаси жамаси шундайлар сирасига қиради. 8 нафар тажрибали, қўли гул тикувчилар ҳамда мохир хунармандлар теҳнат қилаётган мазкур корхонада пойтахтимизда оолият юритаётган қўшимча таълим марказлари, икодиёт уйлари жамоалари, болалар дасталари учун аънавий услубда, замонавий, классик, башанг ҳада эсклрузив костюмлар, бежирим либослар, турли алқ эртаклари қаҳрамонларнинг кийимлари тикилади.

Эътиборли томони, кейинги йилларда миллийматоларимиз — атлас, адрас, бекасам, шойлардан тикилаётган кийим-кечакларга жамоа аъзолари алҳида меҳр билан ёндошилади. Шунингдек, республикамизда истикомат қилаётган қардош миллатларнинг миллий кийимларини тиктиришга ҳам буюртмалар анчагина.

Муяссар УМАРБЕКОВА

Ўзбекистон ва жаҳон

ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ЮНЕСКО БОШ АНЖУМАНИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

ШУ КУНЛАРДА ПАРИЖДА ЮНЕСКО БОШ КОНФЕРЕНЦИЯСИНING 34-СЕССИЯСИ БЎЛИБ ЎТМОҚДА. МАЗКУР АНЖУМАН ТАШКИЛЛАТ АЪЗОСИ БЎЛГАН 193 ДАВЛАТ ИШТИРОКИДА ҲАР ИККИ ЙИЛДА БИР МАРОТАБА ЧАҚИРИЛАДИ.

Бу галги сессия тадбирлари доирасида назарда тутилган ялли мажлис, таълим мавзусига бағишланган вазирлар даражасидаги давра суҳбати, Ёшлар форуми, Фуқаролик жамияти халқаро анжуманида қатор мамлакатларнинг давлат, ҳукумат етакчилари ва делегация раҳбарларининг маърузалари тингланиши режалаштирилган. Шунингдек, илм-фан, таълим ва маданият тараққийнинг муҳим масалаларига бағишланган минтақавий ва тармоқ семинари ҳамда конференцияларини ўтказиш ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари, сессияда 2008-2013 йилларда ЮНЕСКО ўрта муддатли стратегияси, 2008-2009 йилларда ЮНЕСКО нишонлайдиган саналар рўйхати, ташкилотнинг 2008-2009 йиллардаги бюджети масалалари кўриб чиқилди.

Анжуманнинг очилиш маросимида ЮНЕСКО 33-Бош конференцияси раиси Жаффар бин Хасан, Ижроия кенгаш раиси Ж.Зиененг ва Бош директор К.Мацура маъруза қилди. Уларда Бош конференция икки йиллик фаолиятининг сарҳисоби тингланди, ташкилотнинг дунёда эзгу гоялар ва қадриятларни илгари суриш бўйича фаолиятига баҳо берилди, ЮНЕСКО шэфелигида халқаро миқёсда амалга оширилган муҳим лойиҳалар ва катта аҳамиятли тадбирлар таъкидланди.

ЮНЕСКО Бош конференцияси 34-сессиясининг раисини сайлаш чоғида Грециянинг мазкур ташкилот ҳузуридаги доимий вакили Георгиус Анастасопулос номзоди бир овоздан маъқулланди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этди.

Ўзбекистон делегацияси раҳбари анжуманнинг ялли мажлисидаги маърузасида мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳбарлигида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида республика фуқароларининг фаровонлиги ва ҳар томонлама ривожланишини юксалтиришга йўналтирилган демократик фуқаролар жамияти қўриш юзасидан олиб борилаётган

кенг қўламли ўзгаришлар тўғрисида сессия иштирокчиларига маълумот берди.

Шунингдек, у кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга муваффақиятли таъдиб қилиш ва таълим тизимини ислоҳ этиш бўйича Ўзбекистон ҳукуматининг сайё-ҳаракатларига алоҳида тўхтади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасида ўрнатилган самарали ва ҳар томонлама ҳамкорлик алоҳида таъкидланди.

Жорий йилда ЮНЕСКО шэфелигида Ўзбекистонда ва жаҳоннинг кўпгина шаҳарларида Самарқанднинг 2750 йиллик ва Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейлари кенг нишонланди. Самарқанд шаҳрида маданий хилма-хиллик ва маданиятлараро мулоқоти, миллатлараро тотувлик гояларини ўзида муҷассам этган «Шарқ тароналари» VI-халқаро мусика фестивали катта муваффақият билан ўтди.

Анжуман иши кунлари мамлакатимиз делегацияси «Таълим ва иқтисодий тараққийёт» мавзусидаги давра суҳбатида иштирок этди.

Ташриф домида Ўзбекистон делегациясининг ЮНЕСКО Бош котиби К.Мацура, ташкилотнинг қатор идора ва бўлинмалари раҳбарлари, шунингдек, айрим хорижий давлатларнинг делегациялари раҳбарлари билан бўлган учрашувлари чоғида маданият, таълим ва илм-фан соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

Шунингдек, 3 ноябрга қадар давом этадиган Бош конференция 34-сессияси доирасида «ЮНЕСКО шериқлари» мавзусига бағишланган Фуқаролик жамияти халқаро форуми ҳам ўтказилди.

Бундан ташқари, Бош конференция иши домида ЮНЕСКО бош қароргоҳида «Ер қурраси: қонотдан назар» кўргазмаси бўлиб ўтади. Кўргазма Ер сайёраси халқаро йили тўғрисида олдидан хабар бериши баробарида мазкур халқаро ташкилотнинг барқарор ривожланиш ва иқлим ўзгаришларига оид тадбирлари хақида ҳикоя қилади.

ФРАНЦИЯДАГИ «ATLAS ALTERNATIF» ИНТЕРНЕТ НАШРИДА ТАНИҚЛИ ФРАНЦУЗ ЖУРНАЛИСТИ ФРЕДЕРИК ДЕЛОРКАНИНГ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ, ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ВА ПРЕЗИДЕНТ ДЕВОНИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ 16 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИГА БАҒИШЛАНГАН МАҚОЛА ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Унда мустақиллик йиллари мобайнида Ўзбекистонда давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда асраб-авайлаш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувлик-

эмасдир. «Ўзига хослигини сақлаган ҳолда ўзбек давлатчилигининг қурилиши моддий, инсоний ва мафкуравий ресурсларни сақлаб-қилишни назарда тута-

ТИНЧЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДА

ни таъминлаш йўлида олиб бориладиган сайё-ҳаракатларга юксак баҳо берилиши баробарида республикада сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб моҳияти очиб берилган.

«Мамлакатнинг фаровон тақдирини олдидан тайин қилиб қўйилмаган эди. Президент Ислам Каримов ўзининг яқинда амалга оширилган маърузасида таъкидладики, собиқ шўролар тизими парчаланиб кетган вақтда республикада 10-15 кунга етадиган ортиқ бугдоя ва ун захирасини қолмаган эди. Республика ҳақиқатдан ҳам оғир ҳолатда бўлиб қолган эди. Бироқ Ўзбекистон бу мураккаб вазиятдан чиқиб кета олди.

Ўзбекистон таърибсининг ўзига хослиги, аввало, мўътадил ва оқилона ёндошуш танланганида бўлди», деб таъкидланади мақолада.

Интернет нашрида қайд этилишича, «Ўзбекистоннинг сиёсий ҳаётига назар солган ҳар қандай ҳолис кузатувчи сиёсий ҳокимиятни эркинлаштиришга, икки палатали парламентни яратиш, сиёсий партиялар ичидан фракцияларни ривожлантириш, қамокда сақлаш муқддидан қисқартиришга қаратилган сайё-ҳаракатларни кўрмаслиги мумкин эмас. Ва ниҳоят, яна бир муҳим қадам — 2008 йилнинг 1 январидан ўлим жаосини бекор қилиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинганги собиқ шўролар ҳудудидаги ҳамма республикага ҳам хос

«деб ёзади интернет нашр. «Моддий аҳвол маъносидан мамлакат собиқ шўролар иттифоқи тарқалиб кетганидан кейинги босқинда муваффақиятли ўта олди. Унинг ялли ички маҳсулот ҳажми 1999 йилга таққослаганда 1,3 баравар кўпайди. Экспорт ҳажми мунтазам равишда ўсиб бормоқдаки, хом-ашёга нисбатан тайёр маҳсулотнинг улуши ортиб бораётгани уни саноатлашган мамлакат сифатида баҳолаш имконини беради. Бу, айниқса, пахта саноатида, шунингдек, Асака шаҳрида жойлашган ЎзДэуАвто заводи мисолидаги автомобиль саноатида ўзининг яққол ифодасини топмоқда. Шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалиги иккинчи даражага тушиб қолгани йўқ, аксинча тобора ривожланмоқда — мамлакат ўзининг галла мустақиллигини кўлга киритди».

Ўзбекистонда таълим, миллий кадрлар тайёрлаш масаласи жуда муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан мақолада таъкидланганидек, «республика ҳозирги вақтда таълим соҳасига мамлакат ялли ички маҳсулотининг 12 фоизини сарфлаётгани билан фўхрлинишга ҳақлидир».

Муаллиф маданий меросини асраб-авайлаш ва уни янада бойитиш борасидаги сайё-ҳаракатлар Ўзбекистонда давлат тарихи билан боғлиқ юбилей саналарини кенг миқёсда тантанали қилиш имконини бермоқда, деб ёзади. Жумладан, Бу-хоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги, Қаршининг 2700

йиллиги, Самарқанднинг 2750 йиллиги ва Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейлари катта муваффақият билан нишонланди. Ф.Делорканиннг фикрича, бундай тадбирларнинг ўтказилиши мамлакатнинг ўзига хослигини шакллантиришда, унинг ўтмиши ва бугуни ўртасида узвий алоқадорлиқни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Муаллифнинг қайд этишича, Ўзбекистоннинг ўзига хослигини шакллантириш бўйича олиб борилаётган сайё-ҳаракатларни, мамлакатнинг ислом дунё-

сига алоқадорлиги, шунингдек, унинг Евроосийёда марказий ўрин тутишини ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Шу маънода мақолада 2007 йилнинг август ойида мамлакат пойтахтида «Ўзбекистоннинг Ислам цивилизацияси тараққийётига қўшилган хиссаси» мавзусига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтгани баён этилади. «Анжуманда юздан ортиқ фўхрий уламолар, мутахассислар, илоҳийшунослар, диний ва жамоат доираларининг, шунингдек, дунёдаги ўттиздан ортиқ мамлакат ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этгани, Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкентнинг Ислам маданияти пойтахти, деб эълон қилинган Ўзбекистоннинг ислом меъморчилиги ва маданий меросини асраб-авайлаш юзасидан олиб бораётган сайё-ҳаракатлари эътирофи бўлди». «Республика ҳукумати мамлакатнинг тарихий меросини қайта тиклаш масалаларига, унинг ислом маданияти маркази сифатидаги аҳамиятига жуда катта эътибор қаратмоқда. Ўзбекистонда одамлар ўз динларига очик ва бағрикенглик билан эътиқод қилиш имконини эгадирлар. Бундай маданий сиёсат жамиятнинг ижтимоий асосларини мустаҳкамлаш билан бирга олиб борилоқда», деб ёзади Ф.Делорка.

«Жаҳон» АА

Сўраш, жавоб берамиз

Мен яқинда меҳнат фаолиятимни бошладим. Шу боис, ишлаб чиқариш билан боғлиқ меҳнат ҳуқуқларимни яқши билмайман. Агар мумкин бўлса, шу ҳақда тушунча берсангиз.

Ҳабибулла Пўлатов, Учтепа тумани

Ишлаб чиқаришда иштирок этаётган ишчи-хизматчи ёки ходимнинг энг асосий меҳнат ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- энг кам ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ҳақ олиш;
— ҳақ тўланадиган йиллик меҳнат таътилига чиқиш;
— хавфсиз шарт-шароитларда ишлаш;
— малакасини ошириш;
— касбаба уюшмаларига аъзо бўлиш;
— ижтимоий таъминот олиш;
— жамоавий меҳнат баҳсларида ўз манфаатини ҳимоя қилиш;
— ўзини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий ёрдам олиш ва бошқалар.

Мен кўп болали оила бошлигиман. Шу сабабли уй-жой шароитимизни яқшилаб олишимиз керак. Лекин уй-жой сотиб олишга қурбимиз етмайди. Нима қилишимни билмайман. Шу ҳусусда маслаҳат берсангизлар.

Иқром Саломов, Мирзо Улўбег тумани

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 34-моддасига кўра, фуқароларнинг уй-жой шароитини яқшилаш, нормага мувофиқ келадиган уй-жой билан таъминлаш сиз яшаб турган туман ҳокимлигида рўйхатга олини, ҳал қилиниши керак. Шунингдек, бу масалада иш жойингиз маъмурияти ҳамда касбаба уюшмасига мурожаат қилишингиз мумкин.

1994 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексига қўшимча ва ўзгаришлар қилиниш тўғрисида»ги қонун билан давлат уй-жой фонди таркибида коммунал фонд ташкил этилган. Мазкур фондинг Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1994 йил 28 июнда 325-сонли қарори билан тасдиқланган Низомига кўра, бу уй-жойлар ҳусусийлаштирилмасдан ёллаш шарти билан мақсадли фойдаланилади. Ушбу қарор билан алоҳида тоифадаги фуқаролар рўйхати тасдиқланган бўлиб, коммунал фондинг уйлар оила жон бошига тўғри келадиган ойлик даромад энг кам иш ҳақидан кам бўлганларга берилиши лозимлиги ҳам кўрсатилган.

Бундай тоифага уруш қатнашчилари, байналмилал-жангчилар оилалари, харбийлар, харбийдан истеъфого чикқанлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги махсус рўйхатига оғир касал деб қиритилганлар, кўп болали, ялли оиласида 16 ёшгача бўлган 7 ва ундан ортиқ фарзанди бўлганлар, ҳомийлик ва васийликка олинмаган 16 ёшдан ошган етимлар, боқувга олинган етимлар, боқувчисини йўқотган оилалар, 3 нафар ва ундан кўп меҳнатга қобилиятсиз аъзоси бўлган оилалар, ишламайбидиган I, II гуруҳ ногиронлари, қария ва нафақаҳайлар, тумга ёки болалигидан ногирон фарзанди бўлган оилалар, иш ҳамда яшаш жойидан уй-жойга муҳтож деб топилган оилалар қиради.

Жамоа шартномаси кимлар томонидан тузилади ва қандай мақсадни кўзда тутаети?

Лола Парпиева, Миробод тумани

Юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган корхоналарда жамоа шартномаси тузилади. Унда иш берувчи ҳамда ходимлар қуйидаги масалалар бўйича шартлашиб оладилар:

- меҳнатга ҳақ тўлаш шартини, тизимини ва миқдорини, пул муқофотлари, нафақалар, компенсациялар, қўшимча ҳақлар;
— меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш механизмин;
— бандлик, қайта ўқитиш;
— иш вақтининг давомийлиги, дам олиш вақти, таътиллари;
— агар корхона ҳусусийлаштирилган тақдирда ходимлар манфаатини ҳисобга олиш;
— ишни ўқиш билан қўлиб борадиганларга имтиёз;
— иктиёрий ва мажбурий тиббий ҳамда ижтимоий суғурта;
— жамоа шартномаси бажарилиши устидан назорат.

Илова: корхонаниннг имкониятидан келиб чиқиб, қонунда белгиланганидан ҳам кўпроқ имтиёзлар қўлланилиши мумкин.

Озод Шарипов, Салима Субхонова ва бошқалар

Меҳнат Кодексига асосан технология, ишлаб чиқариш ва меҳнати ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ҳусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганиги ёқуд корхонаниннг тугатилганлиги муносабати билан Меҳнат шартномаси бекор қилинганда иш берувчи томонидан ходим камиди икки ой олдин ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантирилиши шарт.

Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ икки ойлик огоҳлантириш муқддати пуллик компенсация билан алмаштирилиши мумкин. Огоҳлантириш муқддати давомида ходимга иш қидириш учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга қиммаслик ҳуқуқи берилади. Бу кунни иш берувчининг ўзи белгилайди. Шу боис иш берувчи огоҳлантириш хатида ходимга бўш ўринларни тақлиф этади.

Бундан ташқари, иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камиди икки ой олдин касбаба уюшма кўмитасига ахборот тақдим этади ва ишдан бўшатиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган тадбирларни амалга оширади.

Юқориди кўрсатиб ўтилган асосларга мувофиқ ходим ишдан озод этилганда, ун кун мобайнида иш қидираётган шахс сифатида меҳнат орангидан рўйхатдан ўтиши керак. Агар у иккинчи ойда ҳам ишга жойлаша олмаса, иш берувчининг номига мазкур ой учун ишдан бўшатиш нафақаси тўланишини сўраб, ёзма равишда мурожаат қилиши мумкин. Бундай ҳолатда ходим паспортини ва ишга жойлаша олмаганини тасдиқловчи меҳнат дафтарақасини тақдим этиши шарт: шундан кейингига унга иккинчи ой учун ўртача иш ҳақи охириги иш жойидан тўланади.

Абдурауф ТОҶИЕВ, ҳуқуқшунос

Потвар ясси текислигида бир пайтлар ярим ой шаклида Илонтена мавжуд бўлган. Ана шу Илонтенаниннг фарбий томонида қадим шаҳар Таксиланиннг харобалари ҳозиргача сақланиб қолган. Исломобод эса тепаликнинг шарқий томонида жойлашган. Таксила қадим замонларда кучли Будда салтанатининг пойтахти бўлган ва қамина ана шу салтанатнинг ҳозиргача сақланиб қолган ёдгорликларини ўз кўзим билан кўришга мўъсар бўлганман. Таксила ўз даврида роҳиблару элчилар, савдогару сайёҳлар, олимлару жосуслар, қиролу қиролчиалар ва дунёнинг турли бурчақларидан сайру саёхат иштиёқмандлари-ю мусаввирлар диққат марказида бўлган. Вақт ўтиши билан ва табиий офатлар таъсирида Таксила бутунлай вайрон бўлиб, бир неча юз йиллар ер остида кўмилиб ётди ва ниҳоят ўтган асрнинг 20-йилларида у қайтадан кашф қилинди.

Исломободнинг пайдо бўлиш тарихи қуйидагича. 1959 йилнинг февраль ойида Покистон ҳукумати янги федерал пойтахт қурилиши учун муносиб жой танлаш мақсадида саккиз кишидан иборат ҳайъат тузади. Уша йилнинг июнь ойида Потварда янги пойтахт қурилиши оммага эълон қилинади. 1960 йилнинг 24 февралда ҳукумат янги бош кентга Исломобод номини берди. Уша даврда мамлакат пойтахти Равалпинди эди, Исломобод эса ундан 28 километр нарида жойлашган.

Исломободнинг қурилиши юнон меъморлари лойиҳаси асосида чет эллик ва маҳаллий меъморлар томонидан 1961 йилдан бошланди. Шаҳар миллий меъморчилик ҳусусиятлари билан уйғунлаштирилган ҳолда ҳозирги замон Европа шаҳарлари услубида қурилмоқда. Шаҳар мунтазам лойиҳага эга ва у тўрт мавзегача бўлинган. Булар савдо-сотик ва молия, ҳукумат ва элчионалар бинолари, бир-икки қаватли турар жой бинолари, ҳунармандчилик ва енгил саноат корхоналари жойлашган маҳаллалар, ям-яшил боғ-роғлару далалар ва хоҳазо.

Исломободнинг маъмурий қисми шимолда жойлашган бўлиб, бу ерда асосан ҳукумат идоралари, маданият ўчоқлари, Миллий ассамблея биноси, Президент саройи ва очик халқ дорилфунуни мавжуд.

249 гектар майдонга эга дипломатик зона Исломободнинг энг шимолий бурчагида бўлиб, у асосан хорижий давлатларнинг элчионаларидан иборат. Савдототик зонаси пойтахтнинг ҳўқ ўртасида жойлашган. Турар жойлар зонаси икки қисмдан иборат. Бири савдототик зонасининг шимоли, иккинчиси жанубида жойлашган. Турар жойлар зонаси секторларга бўлинган бўлиб, ҳар бири 3,2 км² дан иборат. Ҳар бир секторнинг ўз бошқарув идораси, савдо-сотик жойлари, савломатлик ва таълим-тарбия марказлари, жомье масжиди бор.

Исломобод денгиз сатҳидан 550 метр баландликда жойлашган. Унинг умумий майдони 906,5 км² бўлиб, аҳолиси 600 мингдан ортиқ. Ёз ойлари (апрель-сентябрь) ўртача ҳарорат максимуми 34,2°, минимуми 24,4° бўлса, қиш ойлари (октябрь-март)да максимум 16,7° ва минимум 3,4° бўлади. Ёнингарилик миқдори ўртача 1143 ммга тенг.

Шаҳар аҳолисининг кўпи давлат хизматчилари бўлиб, улар ўз мансабларига мос уйларда истикомат

қилишади. Давлат идораларида ишламайдиганларга Исломободда турар жой топиш қийин, шунинг учун улар пойтахтга ақин жойлашган йўлдош шаҳар Равалпиндидан қатнашга мажбур.


Исломободни шарқ шаҳарларидан ажратиб турадиган бир жиҳати шуки, унинг кўчалари номланмаган, балки уларга рақам берилган. Бу тарафдан у Буюк Британия пойтахти Лондонга ўхшайди. Исломободда Қашмир йўли, Мўхаммад али Жинна ва Мўхаммад Иқбол шўққўчаларидан бўлак барча кўчалар ва йўллар рақамланган.

Исломобод дунёнинг энг кам аҳоли яшайдиган пойтахтларидан бири десак ҳеч муболаға бўлмайди. Шаҳарликларнинг осойишталигини сақлаш учун полициянинг кучли нарядлари жалб қилинган. Шунинг учун

Дунё мамлакатлари пойтахти

ХУШМАНЗАРА БОҒЛАР МАСКАНИ

ДУНЁНИНГ ТАБИИЙ ХАРИТАСИГА ДИҚҚАТ БИЛАН НАЗАР СОЛСАНГИЗ, МАҲОБАТЛИ ВА ПУРВИҚОР ҲИМОЛАЙ ТОГЛАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ ОСИЁНИ БИР-БИРИДАН АЖРАТИБ ТУРГАНИНИ ЯҚҚОЛ КЎРАСИЗ. ҲИМОЛАЙНИНГ НАРИГИ ТОМОНИДАГИ ЖАНУБИЙ-ШАРҚИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИДАН БИРИ ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ БЎЛИБ, УНИНГ ПОЙТАХТИ ИСЛОМОБОД ЎША МАҲОБАТЛИ ТОҒ ЭТАГИДАГИ ПОТВАР ДЕБ АТАЛМИШ ЯССИ ТЕКИСЛИҚДА ЖОЙЛАШГАН.



бўлса керак, шаҳар ҳайратланарли даражада тинч бўлади, ялли ола-говур, тўс-тўполонлар даярли йўқ.

Бош кентда ишлаб чиқарувчи корхоналар учун иккита зона ажратилган. Равалпиндида яқин жойлашган саноат зонаси Исломобод ва йўлдош шаҳарга хизмат кўрсатиш билан банд. Шу кунларда иккала саноат зонасида ҳам қурилиш ва ишлаб чиқариш тез суръатлар билан ўсиб бормоқда.

Исломобод янги шаҳар, у қирчиллаша ёшда. Лекин шунга қарамай унинг қизикарли жойлари сероб. Масалан, улардан бири Шакарпариян боғи бўлиб, унинг ўтиш қийин бўлган ўрмонларида бир мартагина бўлиб, умрбод зинҳор эсдан чиқармаслигингиз мумкин.

Исломободда Равал номи билан тўғон ва кўл мавжуд. Инсон қўли билан яратилган бу ажойиб маскан дам олувчилар ва балиқ ови ишқибозлари орасида жуда ҳам машҳур.

Равал тўғонининг баландлиги 24,3 метр бўлиб, у тошдан ясалган. Равал қўлининг сатхи йил фаслларига қараб тахминан 9 км² га тенг. Кўл ёввойи қушлар қўриқхонаси ва сув уйинлари ўтказиш учун қулай жой ҳисобланади. Қиш ойларида бу ерда бошқа жойлардан учиб келган ўрдақлар ва бошқа жуда кўп қуш ва паррандаларни кўриш мумкин. Равал қўлини қуришдан асосий мақсад Исломобод ва Равалпинди йўлдош шаҳарлар учун сув манбаи яратишдир.

Фейсал масжид Исломободнинг бошқа муҳим маскани. Масжид шундай бир жойда қурилганки, уни кун ва туннинг хоҳлаган пайтида узоқ масофадан яққол

қўриш мумкин. Масжид бош кентнинг муҳим нуқтаси. Унинг лойиҳаси халқаро танлов асосида танлаб олинган. Лойиҳа турк меъмори Ведат Далокай қаламига мансуб.

Исломободнинг жуда ҳам ажойиб гўшаси Нурпурда шўх Барри имом макбараси бор. Уни зиёрат қилини хар йили Покистоннинг хар бурчагидан кўпгина зиёратчилар келишади. Барри имом номи билан машҳур Саид Абдул Латиф шўх макбараси XVII асрда қурилган. Бу ерда ҳар йили «урс» номи билан шўх Барри имом вафот этган кун нишонланади. Шу муносабат билан рақс тушиб қўшиқ айтаётган зиёратчилар оқими бир неча кун Исломободнинг соқин кўчаларидан макбара томон ўтиб туради.

Даманз-кўх, ялли тоғ бағрида ёввойи табиатнинг Мурғзор деб аталмиш мўъжазгина қушлар қўриқхонаси бор. Бу ўзига хос кичик ҳайвонот боғи ҳамдир.

Ёз фасли ўз поёнига етиб, қиш ойлари яқинлашган сари атир гуллар ва нилуфарлар боғи ўз чиройини кўз-кўз қила бошлайди. Бу ерда 250 дан зиёд турли хил атиргуллар ва тахминан 12 хил нилуфар ўсади. Боғни томоша қилиш учун Исломобод ва Равалпиндининг юзлаб оилалари келиб туришади.


Исломободда спорт комплекси ҳам қўтарган. Шаҳарда миллий санъат галереяси мавжуд. Шакарпариян боғининг булутлар билан ўпишган дарахтлари ва ўсимликлари соясида халқ ижодиёти музейи жойлашган. Шунингдек, шаҳарда табиат, тарих музейи ҳам бор.

Даманз-кўх Исломободнинг энг қизикарли нуқтаси ҳисобланади. Бу пойтахтнинг кўнгли очар жойидир. Ҳаво очик бўлган кунлари бу ердан шаҳарнинг гўзал манзарасини томоша қилиш ҳузур бағишлайди.

Илонтенада Ҳиндистон тутовуқларини кўпайтириш учун ҳусусий лойиҳа амалга оширилмоқда ва бунда тутовуқлар жаҳон ассоциацияси билан ҳамкорлик қилинмоқда.

Исломобод биқинида Мари деган жой бор, уни ўзимизнинг Чимён билан таққослаш мумкин. У ерда Исломободликлар ёнаниннг иссиқ кунларида дам олишга чиқиб, қалин ўрмонзорда қурилган оромгоҳларда яйрашади. Отларда сайр қилиш ва ҳаракатланувчи каби-наларда ўтириб тоғларни томоша қилиш имконияти ҳам яратилган. Марида транспорт ҳаракати тақийқланган.

Исломобод ва Тошкент ўрт



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ

Юсуф Хос Ҳожиб

Олимларга ул қадар неъмат берилким, дағи тиламсулар. Зоҳидларга ҳеч нима бермагилким, зоҳид қолсулар.

Бу дунё таркин урган зоҳид эрнинг Қатинда бўлса олтур тоғ боқмас. Жаҳонга ихтиёр урган ким эрса, Ҳузни олтур учун ўтқа ёқмас.

Элга дунё таркин ўргаткан фақих, Ақчалар ҳосил қилиб, олтур иғар, Айтур ўзгага, дағи тутмас ўзи, Лоҷарам уйған анга йўлдан озар.

Хукамо айтур: "Ул қариндошким, нафс асири турур, ул кишига не қариндош бўлур, не ақин".

Кўнгул берма, кўнгул бермас кишига, Ошиққан эр билан йўлдош бўлма.

Ёмон одат табиятта ўтурса, Ул андан кетмаюр то йўлмоинча.

Кўрсуз келинга кўркил тўн кийдириш ярашмас.

Бир султон фуқаро тоифасина ҳақорат кўзи билан назар қилди. Онларнинг бири фаросат билди дағи айтти: "Эй султон, сен дунёда биздан лашкар билан ортуқсан, аммо тириликда биз сендан яхшироқбиз".

Муназзаҳ жумладан ул ҳайи боқий, Юрур амри билан бу давр аёки. Чун андан ўзга фонийдур билурсан, Бурунғиларнинг ортинча юурсан. Бу манзилга адамдан ҳар ки етти, Кафандан ўзгасин кўйди-ю кетти.

Фақири содиқ улдур, эй азиз эр, Ёмон иш келмағай ҳаргиз қўлундан. Инар бўлса қаёдан бир оғир тош, Керакким кетмағай ориф йўлундан.

Аё, таши риё бирлан безанмиш, Ичинда заррача йўқ майли тақво. Алингда бор эса кўргуз валоят, Йўқ эса не керак бу лофу даъво.

Келиб Баҳром гўринда ёзиб кетмиш мунки-тоғи, Карам эли яқин билким, қавий бозудан ортуқдур.

Кечибдур Ҳотами Тойи ва лекин то абад оти Халойикнинг тилиндадур, карам бирлан бўлуб машхур.

Эй қаноат, мени бойитқилким, Сендан уллу жаҳонда неъмат йўқ. Сабр эди ихтиёри Лукмон бил, Кимда бу сабр йўқ, ҳикмат йўқ.

Илтифот этмас кўруб, оч ўлтуруб собир фақир, Неъматни кўб хожаларнинг болина ва боғина. Ориф эрга бил жаҳаннамнинг азоби бирла тенг, Кирмаги кўнгуши аёғи бирла жаннат боғина.

Оз есун ҳар емакни вақтинда, Дойимо сикҳат излаган кимса.

Ҳар кима бўлса табият оз емак, Оллина келса машаққат сабр этар.

Меъда чун тўлди-ю, ҳосил бўлди ранж, Фойда қилмас анга кўп молу ганж.

Емас ит саркитин келиб арслон, Ғор ичинда очин ўлар бўлса, Ориф эр нафсина уюб кетмас, Не қадар нафс анга жафо қилса, Ул деғулдур фақир ким иттеқ Теғма нокас эшикина келса. Порсо билмагил сен ул эрни, Олтур оқча дуо қилиб олса.

Келур муфсид кишидан кўб ёмон иш, Алинда бир неча динор бўлса, Не ишлар қилғай эрди одамийга, Қаринчанинг қаноти бор бўлса, Саодат кўрмаган топса вазорат, Уруб эр ултуруб ўйнор бўлса. Кетар боши анинг бир кун бу йўлда, Нега кўб молу мулк асрор бўлса, Юмар кўз бу жаҳоннинг зийнатиндан Кима сабру қаноат ёр бўлса.

Ҳар бир эр иш учундир, ҳар бир иш эр учун.

Дойимо турли савоб узра бўлур оқил иши. Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Иқтисодийёт бош бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Ғани Учқунунович Исмаилходжаевга онаси МУҲАББАТ аянинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАРГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИДА МУҲИМ МАСАЛА— ВАТАНИМИЗНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА, САНОАТЧИЛАР, ОЛИМЛАР, ТАДБИРКОРЛАР ҲАРАКАТЛАРИ ВА КУЧЛАРИНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШТИРАШГА ҚАРАТИЛГАН «ИННОВАЦИЯ — 2007» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжуманининг ялпи мажлиси Тошкент Давлат техника университети ректори профессор Ш. Шообидов, Стратегик инновациялар, Информатизация маркази директори, Олий мактаб Халқаро фанлар академияси академиги профессор О. Қодиров, Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходими Рюдигер Бон, Навоий кон-металлургия комбинати Марказий бошқармасининг бош муҳандиси, профессор В. Ситенков, Санкт-Петербург давлат университети декани профессор И. Герасимов, Украина компьютер ахборот тизимлари маркази директори академик А. Верлань ва бошқаларнинг чиқишлари билан бошланди.

Анжуман кунлари «Ёшлар ва таълим муаммолари», «Иқтисод соҳаларида инновацион жараёнлар», «Табий, минерал хом ашё ва ёқилғи энергетикаси ресурсларидан оқилона фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишнинг иннова-

цион технологиялари ва усуллари», «Кон иши ва металлургия», «Технологик жараёнлар ва объектларни бошқаришнинг автоматик ва автоматлаштирилган тизимлари», «Системавий таҳлил ва математик моделлаш», «Информацион технологиялар ва тизимлар ҳамда уларнинг амалий жиҳатлари», «Информацион хавфсизлик муаммолари», «Сув-Сахро-Экология. Муаммолар ва ечимлар» каби йўналишлар бўйича шўьбалар фаолият кўрсатди. Умумий мажлис ва шўьбаларда Республика вилоятлари ҳамда Россия, Германия, Украина, Беларусь, Қозғоғистон, Қирғизистон каби давлатлар вакилларининг 240га яқин маъруза ва бошқа илмий-амалий ишлари тақдим этилди. Маъруза ва бошқа чиқишларда инновацион технологияларни ривожлантириш унинг иқтисодий тараққиётида устувор аҳамият касб этаётганлиги масалаларига эътибор қаратилди. Анжуман мате-

риалларининг «Илмий мақолалар тўплами» сифатида нашр этилганлиги ва тарқатилганлиги ҳамда анжуманда бевосита фаол қатнашиш, олимлар, саннатчилар, тадбиркорлар ва бошқаларнинг тажриба ва фикр алмашиши, халқаро алоқаларни, фан ва техника соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, муаммоларни аниқлаш ва уларнинг ечимини топиш имкониятларини янада кенгайтирди. Назария, амалиёт интеграция масалаларининг айрим томонлари янада ойдинлашди. Хорижий олим ва мутахассислар ҳам юртимиздаги фан ва техника ривожини, унинг иқтисодий салоҳияти, инновацион жараёнлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Навбатдаги анжумани 2008 йил октябр ойининг учинчи ўн кунлигида Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилинди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

ПОЙТАХТИМИЗДА ТИББИЁТ СОҲАСИНИНГ МУРАККАБ ЙЎНАЛИШИ БЎЛГАН ЖАРРОҲИК КАСБИНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН БИРИНЧИ ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ.

ЖАРРОҲЛАР МАЛАКАСИ ОШАДИ

Унда мамлакатимизнинг етакчи жарроҳлари, проессор олимлари, ёш мутахассислар иштирок этди. Ўзбекистон жарроҳлик мактаби тиббиётимизнинг энг тараққий этган тизими ҳисобланади. Бугунги кунда юртимиз шифохоналарига замонвий, илгор технологияларнинг жалб этилиши ураққа операцияларни муваффақиятли олиб боришига замин яратмоқда.

Биринчи халқаро анжуманда таъкидланишича юртимизда сўнги ўн йил ичида тиббиёт соҳаси жадаллик билан ивожланиб, кардиология, микрохирургия, урология каби ижтисодиётларнинг марказларда амалга оширилаётган мураккаб жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказилмоқда.

Тадбирда ихтисослаштирилган жарроҳликнинг долзарб масалалари ҳал қилинади экан, ҳар қандай дардга даво топишда кўпроқ энг самарадор усуллардан фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратилди. Икки кун давом этган анжуманда йигирмадан ортиқ жарроҳлик мавзусида маърузалар қилинди.

Анжуман республика жарроҳларининг тажриба алмашишида катта аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Рустам ХАЙДРОВ, "Туркистон-пресс"



БОЛАЛАР СПОРТИ — БАҲРАМОЛИК БЕШИГИ

ФАРЗАНДЛАРИ СОҒЛОМ ЮРТНИНГ КЕЛАЖАГИ ҲАМ БУЮК БЎЛАДИ, БУГҮН ЮРТИМИЗДА СПОРТНИ РИВОЖЛАТИРИШ ВА ЁШЛАРНИ СПОРТГА ҚИЗИҚТИРИШ БОРАСИДА ЖУДА КЎП ХАЙРЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тўзиш тўғрисида»-ги 2002 йил 24 октябрдаги Фармони билан Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган эди.

Утган вақт ичида болалар спортини ривожлантириш борасида қандай ишлар амалга оширилди. Биз ушбу савоб билан спорт мутахассисларига муурожаат қилдик.

●Хайрулла ЯКУБОВ, болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Сергели тумани вакили:

— Фаолиятимизни маҳаллалар, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда юритамиз. Туманимизда 26 та мактаб, 34 та мактабгача таълим муассасаси бор. Туманда 14 мингдан ортиқ вояга етмаган ёшлар бўлиб ултур учун спорт мажмуаси очилган. Унда карате, футбол, бокс, кураш, юнон-рум кураши ва бошқа спорт турлари бўйича тўғарақларимиз фаолият олиб бормоқда. Бугунги кунда ёшларимиз орасида оммалашиб бораётган

кик- боксинг бўйича маҳалла, мактаб болалари ўртасида халқаро турнирлар ва турли хил спорт мусобақалари тез-тез ўтказиб турилади. Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси ёшларни спортга жалб этишга қаратилган.

●Азиз АБДУРАҲИМОВ, Мирзо Улуғбек туманидаги «Югнакий» болалар спорт мажмуаси директори:

—Туманимизда ёшларнинг спортга қизиқишлари баланд. Улар учун жами 15 та спорт тўғарақларимиз иш олиб боради. 5 йил давомида яхши натижаларга эришдик. Қизлар ўртасида спортнинг гимнастика, гимнастрада турлари кенг ривожланди. Спортнинг қиличбозлик, футбол, хакидо, кўл жанги, шахмат, шашка, кўл тўпи каби турлари бўйича тўғарақлар фаолияти йўлга қўйилган. Асосий мақсадимиз вояга етмаган ёшлар орасида спортни кенг оммалаштиришдир.

●Анварбек АБДУЛАЕВ, Мирзо Улуғбек туманидаги «Умид» спорт мажмуасининг бош мутахассиси:

— 5 йил ичида туманимизда 3 та катта спорт мажмуаси курилиб, фойдаланишга топширилди. Улар «Умид», «Югнакий», «Юзрабод» спорт комплексларидир. Вояга етмаган 6-17 ёшгача бўлган ўғил-қизлар ичида мунтазам спорт билан шуғулланувчиларнинг сони 2002 йилда 17 фоиз бўлган бўлса, бу кўрсаткич 2007 йилда 42,7 фоизга ошган. Туманда 32 та мактаб, 52 та маҳалла жойлашган. Спортни оммавий ривожлантириш ва болаларни соғлом турмуш тарзига

жалб этиш учун барча шароитлар муҳайё, 22 та маҳаллада спорт майдончаси ва спорт тўғарақлари фаолият юритмоқда.

●Равшан Абдуқодиров, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Шайхонтоҳур тумани вакили:

—Туманимизда вояга етмаган ёшлар сони 52.823 нафар бўлиб ултур имкон борида спорт тўғарақларига бириктирилган. Худудимизда 39 та мактаб, 2 та спорт мактаби 2 та спорт мажмуаси иш юритади. Соҳа мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида кейинги йилларда ёшларимиз орасида спорт билан шуғулланаётганлар сони ортиб бормоқда. Бу йўлда бизга Тошкент шаҳар ҳокимияти, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ЁИХ, «Маҳалла» жамғармаси каби бир қатор ташкилотлар ақиндан ёрдам беришмоқда. Маҳаллалар, мактабларлар тез-тез спорт мусобақалари ўтказиб турилади.

Зеро, Юртбошимиз Ислам Каримов: «Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деганларида жисмонан соғлом, маънан баҳрамоли авлодни вояга етказишга эътиборни қаратиш лозимлигини назарда тутган эдилар. Бу эъзу ва хайри ишга ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшимиз керак.

Роҳила ЭРҒАШЕВА

Саломатлик — туман бойлик

ҚАТТИҚ ҲАЯЖОНЛАНИШДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

ҲАЁТДА ТУРЛИ ВОҚЕАЛАРНИНГ ГУВОҲИ БЎЛАМИЗ. МАҲАЛЛАМИЗДАГИ БИР ОИЛАНИ ЯХШИ БИЛАР ЭДИМ. ОИЛА БОШЛИГИНИНГ ҚЎЛЛАРИДА ОҚ ДОҒЛАР БОР ЭДИ.

Фарзандларидан эса бундай оқ доғлар йўқ. Унинг қизлари вояга етганда эса... Яхши жойларга фотиҳа бўлади-ю кўёв томон бирдан айниб қолади. Сабаби эса маълум. Қўшни тумандан бир кун ушбу оилага бир мўйсафид киши совчиликка келди. Сўхбат чоғи уй эгаси оқ доғларини кўрсатиб, оғир кўрсиниб қўйибди. Шунда мўйсафид: «Эй ошна, бутун дунёни ёритиб турган ҳаттоки тўлин ойда ҳам доғ бор, сизнинг танангизда оқ доғлар эса менинг билишимча оддий доғлар. Бу юқумли эмас», деб ўғлига ўша одамнинг қизини келин қилиб олиб берди. Иккала ёш ширин турмуш қуришиб, бахтли яшаб кетишди.

Қиссадан ҳисса шуки, теридаги оқ доғларнинг пайдо бўлиш сабабларини кўпчилик яхши билмас керак. Инсон кучли асабийлашганда, қаттиқ кўрққанда, ҳаяжонланганда танани тўрдек чирмаган асаб тоаларининг учидан катта миқдорда захарли моддалар — медиаторлар ажралиб чиқади ва бадан терисининг заиф, таъсирчан нукталаридан оппоқ тангача мисоли сиртга ёриб чиқади. Бу оқ доғлар қорин, кўкрак ва юз териларида кўпроқ бўлади.

— Оқ доғлар юқумли эмас, — дейди биз билан сўхбатда олий тоифали шифоқор Ҳабибулло Шарипов.

— Улар турли хил микробларни чақирмайди. Организмда кучли захарли маҳсулотлар (медиаторлар) таъсирида инсон танасидаги моддалар ал-

машинуви бузилганда тери юзасидаги меланин (тегира ранг берувчи) пигментларни идора қилувчи марказ фаолияти нуқсонга учрайди. Агар касаллик вақтида даволанмаса псарияз катта-кичик попула тошмалари пайдо бўлади. Псарияз узоқ давом этиб сунрункасига қайталашиб турадиган касалликдир. Бададаги оқ доғларнинг бошланиш даврида ўз вақтида мутахассисларга муурожаат қилинса касаллик тўлиқ даволанади.

Бундай касалликка қалинган беморлар шўр, анчик таомлар, сариеғ каби егуликлардан парҳез қилишлари, спиртли ичимликлар истеъмол қилмасликлари ва шахсий гигиена қоидаларига доимий риоя қилишлари лозим.

Шунингдек, асабларни таранглаштирувчи стресслардан сақланишлари, эрталабки гимнастика машғулотларини мунтазам бажаришлари шарт. Доридармонлар учун мутахассис-шифоқорларга муурожаат қилишлари керак.

Демак олтиндан ҳам қиммат соғлигимиз ўз қўлимизда экан уни ҳаммиса асраб-авайлаш лозимлигини асло унутмайлик.

Дилшода МУСИДОВА

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар диққатига!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича худудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги ПФ-3665-сонли «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони талаблари асосида комиссия қошида савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлардан иборат Жамоатчилик Кенгаши ташкил этилган.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз комиссиянинг ишчи органига қуйидаги телефонлар орқали муурожаат қилишингизни сўраймиз. Худудий комиссиянинг ишчи органи: 144-51-63, 140-32-18.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ. Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ. Буюртма Г-906

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан руйхатта олинган. Ҳажми — 2 босма табақ, офсет усулида босилади. 2049 нускада босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига еки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига муурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқчиси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй 1 2 3 4 6